



Боши 1-бетда.

Энди бозорда ҳам ҳар кун 70 сўм тағойига берамиз. Яна шунча ётиб-турдадиган ермишга, ёйиш-ичимишга билан кунинга ўртача 700—800 сўм кетади. Олиб келган маҳсулотни муздатки учун қаммада 20 кун ҳақратон соғушда тик оёқда туришга тўри келади. Қўриб турибсизки, даромаднингизнинг ярамис бурмад...

Хўп, ана бинида 80—100 минг сўм қолди дейлик. Шу кунларда укамни уйламоқчимиз. Уйдагилар «Тўй-тилд» олиб келганини дейишди. Кеча биттасини савдолашдик. 85 минг дейди. Зўрага 74 минг сўмга келишдик. Бу анда ҳали келинга сарпо керак. Элининг олдига дастурхон вазиб, тўртта меҳмон чақиринишнинг ўзи бўлмайди ҳозир. Бир томонни қишлоқчилик. Ҳар ким гап-сўз бор. Бировдан кам бўлганига келмайди. Дехқоннинг ҳам тушуниг-де, ахир. Агар бу ёни келишса, у ҳам бекордан-бекорга нарҳин кўравермайди...

Ана энди хурматли муштарий, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг. Агар дехқон қўлга фалон пул сарфлаганда ҳам, узумнинг қилоси минг сўм эмас, 600, бориники, 800 сўм бўлади. Йўл ҳақи қимматлигини бир чегга қўйилган. Тартиб ўрнатилган учун қўйилган божхона, ДАН ҳошимлари нима қилишяпти ўзи! Тўғри, уларнинг ҳаммаси ўзини ўйлайди, порохўр дейиш фикридан йироқлик. Лекин уларнинг ҳаммаси пок, тўғри деб ҳам айтолмайсиз-ку! Гурч курмакис бўлмайди деб бекорга айтишмаган ахир.

Тўғри, дехқон йилги ўзини бизга таништирмади. Учте постга пул бериб ўтдик, деди. Қайси постларга, кимга берганини айтишни ҳам истамайди. Чунки у билди, агар айта ҳам исбот қилиб беролмайди. Исбот қилган тақдирда ўзи ҳам гуноҳкор бўлиб қолади. Чунки дини испомда ҳам «пора бергунчи» ҳам, олгунчи ҳам гуноҳкордир» дейилган. Давлатимиз қонунарида ҳам худуд шундай модала бор. Олган ҳам, берган ҳам жавобгарликка тортилади. Ана энди айтгинчи, дехқон нима қилиши керак! Бозорга келмаса бўлмайди, келиш учун йўлда бермаса ана бўлмайди. Бирса, гуноҳкор бўлиб қолади. Яхши, берадиган, ишнин битиради. Лекин берганини ҳам қилиши керак. Айтса айби бор. Шу тариха қонунилик болаб кетаверади. Майли, дехқон йилги бизни учта постдан пул бериб ўтдик, деб алдаган бўлсин, ҳеч бўлмаса биттасига бергандир-ку! Бекордан бекорга дехқоннинг дастурхон қилмагандир у. Қолаверса, бу гапни бергинга узумфуруш йилгидан эшитмадик...

Ана «Олой» бозорига қайтсан. Бир кило сабзи ўртача 35—50, картошка 35—40, олма 70 дан 350 гача, нок 200—350, турп 20—25, анги чиккан помидор 250—400, бодринг 900—1000, анор 200—350 сўмдан сотилапти. Биров талашиб, тортишиб савдолашмига ҳаракат

қилапти, биров индамай олиб кетаяпти, хуллас, бозор ўз оти билан бозорда. Унда минг хил одам бор. Ҳар кимнинг феъли ўзига яраша.

Анор сотиб ўтирган отақонни сўзбата тортдик. Ҳар қалай отақон ўзини таништирди: Бундай дейишимизга сабаб — биз ўнлаб одамлар билан гаплашдик, муқабиллигимизни эшитган, бирортаси исми-шарифини айтмади. Айтганлари ҳам газатага ёзмалигимизни илтимос қилишди.

— Мен Муҳаммад Иброҳимов. Бозорга Сурхондарё вилоятидан келганман.

Пойтахтнинг ўзюнда 2 миллиондан ошди ақоли истиқомат қилади. Яна ҳар кун шунча одамнинг келиб-қетиши бор. Балки дехқон бозорларда нарҳ кундан-кунга ошиб бораётганига ана шу келиб-кетувчиларнинг кўпчилиги ҳам сабаб бўлаётгандир. Бундай дейишимизнинг ҳам ўзига яраша сабаби бор.

— Бодринги «естини» (тошкентликлар демокши шикили) билан кам олади, — дейди биз билан сўзбата бодринг сотиб ўтирган Тошкент вилоятилик дехқон. — Четдан келган

лаверса, унга «фалон пулга сотасан», деб нарҳ белгилаб беролмайсиз. Бунга ҳаққини ҳам кўк. Бозор иқтисодийти деб аталмиш механизмнинг асосий йўналишларидан бири ҳам шунда. «Маҳсулот ишлаб чиқардингми, бозор кўтарганига қараб сотавери, деган бўлмаган қонуни бор унинг.

Энди келувчилар ҳисобига нарҳнинг ошмига келсан. Ҳозирча биз уларга «фалон нарҳин олишни таъқиқлаб» қўйилмайди. Тўғри, давлатимиз чегарасидан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар миқдори

50—100 сўм қиммат. Бу Балки Эскиқўвнинг марказроқ ерда жойлашганлиги, келиб-кетувчиларнинг кўпчилиги боғлиқдир. Яна ким билди дейсиз.

Энди бозорлар ҳусусидига фикрларимизни муҳтасар қилсан. Қуруқ мавалар ҳам ҳўл мавалардан қолишмайди. Бир кило майиз 500—700, туршак 350—400, чақилган ёнғок — 750—800, чақилган 350—400 Чақилган данак 700—800, шўрданак 200—250, писта 1000 — 1200 сўм. Истасангиз шу. Холмасангиз...

Тўю-мўрака, бирор зарурят

та ёш йилгилар ҳам бор эди. Гузал жузон тўғри қоғоз қалта сотайтган аёлнинг ёнига борди-да, ҳеч қандай гап-сўзсиз пул ҳам бермай халтадан бирини олди. Сотувчи шўрлик аёлнинг шиддатли ҳаракатидан ҳайратга тушиб, ҳаққо ўзининг меҳнат ҳаққини ҳам сўромай қолди.




Сўнгра жузон бозордаги сарҳил-сарҳил мавалардан ўзи истганича олди-да, ҳеч бирига ҳам тўламади. Дехқон бечоралар ҳам нима қиларларини билишмай, ангрэйганларича қолишавери.

Бўшашиб, бекхтёр Илҳомиддиннинг ортидан эргашди. Илҳомиддин тавач пунктга келишди. Илҳомиддин аёлнинг устидан дехқонлар шикоят қилишганини, агар бу ҳолат ана бир марта такрорланса, аёлнинг қаттиқ жазолашмиши айтиди.

— Кечиринг ака, иккинчи бунақа қилмайман. Ўзингиз ҳам кўраясизку, дехқонлардан ҳам инсоф қочаяпти-де, — тавба-тазарру оҳангида сўзини якулади аёл.

— Демак, иккинчи бундай қилмайсиз-а, — қайта сўради

Долзарб мавзу



лояти Сарфосиб ноҳиясининг Дашнобод қишлоғидан келганман. Анор сотилган. Нарҳ ҳар кун ҳар хил. Бир кун баланд, бир кун паст деганларидек. Лекин ҳолигунча эмас.

— Неча кило олиб келгансиз?

— Бир ярим тонна.

— Уртача неча пулдан соталасиз?

— 200-300 сўмдан.

— Сурхондарё томонларда ҳам анорнинг нарҳи шундай дейишяпти-ку! Шунча узок йўлга машина ёллаб, ҳаракат қилиб олиб келиш шартмиди? Қолаверса, бу ерда кунлик ҳаракат ортинча. Умуман анорнингизни Тошкентга олиб келганингиздан афсусланмаясизми?

— Неча энди афсусланай. Тўғри, ўзинингиз Денов бозорига ҳам ана шу нарҳ. Лекин жуда кам кетади у ёқларда. Чунки анор кўп, харидор кам. Бозор ҳам тушганча. Икки-уч соат бўлади, холос. Бу ерда эса эртадан-кечгача сотиш мумкин. Энг асосийси харидор кўп.

— Ҳа, Тошкентда харидор кўп.

лар, бошқа жумҳурияга кетаётганлар олинди асосан. Қолаверса, улар бир-икки кило олишди, бирданга 10—15 килолаб олишди. Нарҳига ҳам кўп иккилик қилиб ўтиришмайди. Айтган нарҳингизга олиб кетавердилар.

— Уларни бошқа жумҳуриятдан келган ёки кетаётганини қардан биласиз?

— Улар асосан маҳсул ёғоч саватларда олиб кетишади. Йўлда уринмаслиги учун шундай қилинса керак.

— Минг сўмдан ўн беш кило бодринг ўн беш минг сўм бўлади. Бу бизга ўхшаган қизматчининг ўн ойлик маоши. Биз ана шу пулга уч ой рўзгор тебратилишга мажбуримиз. Кимдир шунча пулга бодринг олиб айтиди. Яна арзонлиги учун раҳмат ҳам айтиб кетади. Бу МДХ давлатлари ўртасида нарҳини, маошини номуқтаб олиб, қўшларимизга нисбатан бизнинг бозорларда анча-мунча арзонлиқ эканлигини нишонди. Дехқон учун эса харидорнинг қилиши эмас, қанча пул бериши муҳимроқ. Уни ҳам тушуниш керак. Қо-

чқлаб қўйилган. Лекин у ҳам кутилган натижани тўлиғича бераётгани йўқ. Энди бозорларни ҳимоя қилиш навбати ўз миллий пулимизга келиб такалади. Қачонки, давлатимизга четдан келувчиларга маълум миқдордаги ўз пулимиз билан, улар бугунгидек биз бир кило олишга қурбимиз тилой турган маҳсулотни 10—15 килолаб ололмайди. Бунинг натижасида бозорларимиздаги нарҳ ҳам ўз-ўзидан мутасоиблашади. Дехқон бозорига олиб чиққан маҳсулотнинг минг сўм деб ушлаб ўтириб, сифатини бузгандан кўра, беш ўш сўм бўлсада тезроқ сотишни афзал кўради. Бу ҳам бозор иқтисодийнинг ўзига хос қонунаридан бири.

Биз бир кунда икки катта бозор — «Олой» ва «Эскиқўв» айландик. Ана шу ораси беш чақирим чиқиб-чиқмайдиган бозорларда ҳам нарҳини фарқи бор. «Олойда» қовунинг қилоси 80 сўм дейилаётган бўлса, «Эскиқўвда» 120 сўм, дейишяпти. Шунингдек, олма, анор, писта, бодомагача Эскиқўва Олойга нисбатан

бўлса олмасиз. Бўлмаса йўқ. Энг асосийси қуруқ мавалар расласида ҳам савдолашиб турганларни кам қурдик. Баъзида оловчи, асосан сотувчи савдолашмиши истамайди. Дехқоннинг маҳнатини, машаққатини... Воқеадан хабар топган милиция участкавий Илҳомиддин Мавлонов бу ҳолатга чек қўйишга қарор қилди.

Аёл навбатдаги бозор сарҳили тугатиб, кўчага йўл олаётганида Илҳомиддин уни майлилик билан тўхтади.

— Кечирасиз опа, бир минутга вақтингизни оломоқчиман.

Аёл унга ҳам ажабланиб, ҳам ҳадиксириб бир дақиқа назар солди. Сўнг ичидан зил кетса ҳам пўлиса оҳангиде сўради:

— Вақтинги олариш, ўзингиз кимсан! Сизга ўхшаган майда-чўйда болалар билан гаплашиб ўтиришга вақтингиз йўқ.

— Менми, — ана мулоқимлик билан қулимсириб сўради Илҳомиддин ва ўзини таништирди. Енидаги шахсий гуноҳномасини олиб кўрсатди.

Жувонинг олиб-қўллари

Бу ҳолат деярли кунора такрорланганидан бўлиб қолди. Лекин ҳеч ким миқ этиб аёлнинг қилими ҳақида биричора оғиз очмади. Шу тариқа орадан уч-тўрт ой ўтди.

Воқеадан хабар топган милиция участкавий Илҳомиддин Мавлонов бу ҳолатга чек қўйишга қарор қилди.

Аёл навбатдаги бозор сарҳили тугатиб, кўчага йўл олаётганида Илҳомиддин уни майлилик билан тўхтади.

— Кечирасиз опа, бир минутга вақтингизни оломоқчиман.

Аёл унга ҳам ажабланиб, ҳам ҳадиксириб бир дақиқа назар солди. Сўнг ичидан зил кетса ҳам пўлиса оҳангиде сўради:

— Вақтинги олариш, ўзингиз кимсан! Сизга ўхшаган майда-чўйда болалар билан гаплашиб ўтиришга вақтингиз йўқ.

— Менми, — ана мулоқимлик билан қулимсириб сўради Илҳомиддин ва ўзини таништирди. Енидаги шахсий гуноҳномасини олиб кўрсатди.

Жувонинг олиб-қўллари

милиция ходими.

— Йўқ, сўз берман.

— Бўпти, қўраман.

Аёл қўлидаги пакетини ҳам қолдириб, чиқиб кетди.

Бир ҳафта мобайнида Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бўлимининг милиция участкавий Илҳомиддин Мавлонов бозор худудини қаттиқ назорат қилди. Лекин аёл бошқа кўзга қўримади. Фақат шу ҳафта эса, кейинчалик ҳам.

— Ҳозир жуда тинчимиз, — дейди бозор бошлиғи Собир Мухторов. — Дехқонларимиз ҳеч бир хавф-хатарсиз савдо қилишмоқда. Албатта, бунда Илҳомиддин Мавлоновнинг ҳам ҳиссаси катта. Чунки у хош иш қийимда бўлсин, хош фуқаро қийимда деярли ҳар кун бозор худудини бир-бир айланиб, сотувчилар билан ҳам тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Тинчликнинг бош омилларидан бири ҳам шу бўлса керак.

Бозор кезамиз. Кун совук бўлишига қарамай, харидорлар гавжум. Нарҳ-наво билан

қизқамиз.

Бир килограмм картошканинг нарҳи 50 сўм, сабзи 30 сўм, тўғралганининг ярим килограмми эса 50 сўм, нок 300 сўм.

— Нарҳ-навонинг кўтарилиб, тушиб туриши бозордаги маҳсулотнинг сөробиғига боғлиқ, — дейди нозор бериб бозор бошлиғи, — бугунги нарҳ кўпчилига эртага тўғри келмайди. Е қимматроқ бўлади, ё арзонроқ.

Шахсий гўшт дўконларидаги нарҳ ҳам оддамини «чақиб» олади.

Бир килограмм қўй гўшти 550 сўм, Молники эса 350 сўм. Қўйнинг думбаси ҳатто 1000 сўмдан ҳам юқори бўлмоқда.

Яқинда ушбу мақола муаллифлари Андижонда бўлишди. Шаҳар бозордаги «Наво» билан танишишди. Ўзистини айтиш керак, бу ердаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари Тошкентдагига нисбатан қарий икки-уч баравар ҳатто ундан ҳам арзонроқ нарҳда сотилаётганининг шохиди бўлди.

Агар Тошкентдаги бозорларда ҳусейни узумнинг 1 килограмми 1000 сўм атрофида бўлаётган бўлса, бу ерда кўпи билан 250 сўм, савбанинг нарҳи эса ўзига қараб 4 сўмдан 8 сўмгача, молники эса 60 сўмдан 100 сўмгача бўлаётган экан.

Тўғшларнинг нарҳи Тошкентдагидан анча арзон. Қўй гўшти ҳам, думбаси ҳам нарҳи борса 400 сўм атрофида сотилапти. Уртадаги фарқнинг катталигини қаранг. Ҳар қалай вилоятларда ҳали ҳам инсоф бор экан.

КУНИ-КЕЧА МУСУЛМОН миллатига мансуб бўлган халқда эзгу ой бошланди. Бу рўза ойидир. Олло таолога сажда қилган, унга шак келтирмаган ҳар бир муслмон фарзанди кун чиқардан то кун ботарга қадар 30 кун рўза тутеди. Фикат саҳарлаб ва кечкурунгина танаовул қилади. Албатта бундай шароитда ҳар бир киши ҳам ўз дастурхонининг тўкин-сотини бўлишни, сарҳил мавалар, янги сўйилган чорва гўштини орозу қилади. Ўзига тўқ, бадавлат бўлган одамлар ва ақиллари бандлигини бажо келтирган кишилар эсе ифтор қилиб, икконлари қадар ўзи уларига ақилларини, маҳалланинг қарияларини тақлиб қиладилар. Бундай кезлар ҳар бир хондон соҳиб ҳам келган меҳмонларнинг кўнглини олашга ҳаракат қилади. Борини ўртага қўяди. Шундай экан, ана шу улуг айём кунларига жумҳуриятимизнинг турли шаҳар ва туман марказларидаги бозорларда савдо қилаётган дехқонларимиз ҳам зора бир-оли инсофга келиб, нарҳ-навоини арзонлаштирсалар. Уйлэйимиз, бу савобдан ҳам олжаноброқ савоб бўлмаса керак дунда.

Зиёвуддин ОРИҲЎЖАЕВ,  
Ислом ХАМРОЕВ,  
А. МАМАДАМИНОВ.  
[Суратлар].  
«Туркистон» маҳсул муҳбирлари.



# БУ КҶХНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР  
КОРЕЯДАН ИККИ ХАБАР

**ҲАМДУСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА**

● ЯҚИНДА фазога учирилган «Прогресс М-16» автоматик келмаси одам бошқаратган «Мир» мажмуи билан тўхташирилади. Фазога бирлашган мотор қуримласи учун қилган, тадқиқотлар учун асбоб-ускуна, илмий аппаратлар, фазогирлар учун озик-овқат олиб борилади.

● БЕЛАРУСЬ Республикасининг 1993 йил давлат бюджет таъинишидаги қонунида мудоффа қарамақарини икки қисса қамайтириш кўзда тутилган. Мудоффага вираятланди 56,5 миллиард сўм республика жаҳми бюджетининг 6,3 фоизини ташкил этади.

● УКРАИНА Бош вазир Леоид Кучма бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Туркиянинг пойтахтига келди. Делегация тарихида Украинадаги турли тармоқ вазирликларининг раҳбарлари бор. Иқтисодий масалалардан ташқари бир қанча қўшма ҳужжатлар ҳам кўриб чиқилди деб таҳмин қилинмоқда.

Корея Республикасининг Президентини эътиб сайлаган Ким Ён Сам демократия либерал партиянинг саясий режалаштириш масалалари қўмитаси раиси Хван Ин Сон Бош вазир лавозимини эгаллашгани айтиди. Президент 25 февраль кун расмий равишда ўз давримини бақаришга қиришганидан кейин Жанубий Корея ҳукуматининг янги бошлиғини таъинлаш масаласи миллат мажлиси (парламент)да кўриб чиқилади. ПАТА—ТАССнинг

Сеулдан хабар қилишчи, 87 йашар Хван Ин Сон иқтисодий сийбат соҳасида таниқли мутахассис ҳисобланади. Зеро, Президент Ким Ён Сан шу мутахассиснинг номзодини таллашгани мақсад Жанубий Корея иқтисодийни жонлантиришдан иборат.

● ● ●

Пхеньянда Корея социалистик меҳнатқаш бшлари иттифонинг саккизинчи съезди охирида КХДР Президенти Ким Ир Сеннинг «Ешлар партия раҳбариятига содиқ

бўлиб қолсин ва инқилобий-мажлисчи муваффақиятли тугаласин» деган мактуби ўқилди. Якуловчи мажлисида корейс хадқининг «азиз раҳбар», президентнинг ўғли ва унинг давлат ҳокимияти вориси Ким Чен Ир ҳозир бўлди. Съезд муваффақиятли ўтди, деб хабар қилди ЦТАК ахборот маҳкамаси. Ешлар Корея меҳнат партиясига, Ким Ир Сенга, Ким Чен Ирға социализмга содиқ ва янқил эканликларини намоиш қилдилар.

Ўзбекистон кўчаларида ҳам хориқликларнинг автомобиллари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Яқинда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмасида тайёрланган янги машиналарнинг катта турикуи Тошкентга келиб тушди. Уларни «Сельхозмаш» Ўзбек давлат концерни олиб келиб сотмоқда. Бу машиналар қўйилғи, бизнинг кам ёқини, экологик тозаллиги билан бошқаларидан фарқ қилади. «ДЭУ» фирмасида ишлаб чиқариладиган машиналарнинг катта тарқорлари «Фаргона» вилоят ҳокимияти, «Фаргона» бирлашмаси ҳамда «Фаргонаинвест» ортиносига қорюналари бўлди.

СУРАТДА: концерн товаршоси Коиил Эргашев ва «ДЭУ» фирмаси вақили Ко Кен Сон Тошкентга келтирилган машиналарни кўздан кечиршимоқда.

Р. ШАГАЕВ сурати (ЎЗА).

## ТУҲМАТНИНГ УМРИ ҚИСКА

### Хорижий талабалар ўқишни давом эттиришмоқда

«Останкино» радиотелекомпаниясининг «Утро» программаси 18 февраль кун берган ахборотда Ўзбекистонда собиқ СССР давлат қўмитасининг йўли билан ўқинишга юборилган хорижий талабалар учун қўй ушла кундан бошлаб машғулотлар тўхтапти қўйилган экан.

Маълум бўлишича, бу ган ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот агентлиги муҳбирининг илтимосига жўра, республика олий ва ўрта маҳсул таълим вазирни, академик Ж. АБДУЛЛАЕВ «Останкино»дан ўқилган хабарни қуйидагича шарҳлаб берди:

— Афсуски биз қардан олдингани номуаълум бўлган андишасиз, баъзан эса гирт ёлгон хабарни биринчи бор эшитаётганимиз йўқ.

Хўш, гап нимада ўзи? Ҳозир республика олий ўқув юрларида собиқ СССР давлат таълим қўмитаси йўли билан чет эллардан юборилган 1865 нафар талаба таълим олмақда. Уларни ўқитиш ва боқиш учун Ўзбекистон ой сайин салкам юз миллион сўм сарфламоқда.

Хорижий талабалар арзон нарҳда оватқанларидан ва транспортдан фойдаланмоқдалар, шундан ётқонларда яшашмоқдалар. Янги улар республиканинг барча талабалари қатори иккинчи даражасида қилинмоқда.

Бошқа давлатлар қабиллиги Ўзбекистоннинг ҳам иккинчи даражасида қилинмоқда. Шундан ташқари 1992 йилда олий ўқув юрларини мизга талабалар қабул қилишни 30 фоизгача қисқартиришга талабалар қабул қилиш Республикада халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий муносабат ва бозор иқтисодиёти мутахассислари етишмаслигини эътиборга олиб, бултур жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил қилинди. Бу университетга ҳақ олиб ўқитилади, унда таълим олиш ҳўзирги нарҳларда 200 минг сўмдан ошди. Шу тариха мутахассислар тайёрлаш босқисига ҳам бозор муносабатларига ўтла бошланди, дарвоқе, «Останкино» телекомпаниясининг ўзи ҳам ҳар кун шу руҳдаги хабарларни бериб бормоқда.

Хорижий талабаларга шундай айтиш керакки, улар ўқиниш давом эттиришмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили аспирантура ва докторантура шартнома асосида қабул қилинмоқда. Уларда таълим олаётган мутахассислар сонини кўпайтиришга аспрантура ва докторантура таълим олаётганлар ҳам давлатимизнинг шу тоифадаги ўқувчи ёшларига бериб қўйган барча имтиёзларидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон халқаро муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш қондаларига би-

ноан янги шартнома шартлари асосида хорижий талабаларни тобора кўпроқ қабул қилмоқда.

1992 ўқув йилининг бошларидан эътиборан биз таълим ва мутахассислар тайёрлаш масалалари юзасидан шартномалар тузиш, бу масалаларга янги ҳақиқатларда бизга талаба юборган мамлакатларнинг эътиҳоналари билан музоқара бошладик. Қўнгина давлатлар билан ҳозиргача: мана шундай ўзаро манфаатли шартномалар тузилиди. Бу соҳадан иш, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси ордани ҳам давом эттирилмоқда. Бизнинг у ердаги мухтор вақилларимиз қўпгина мамлакатларнинг элчихоналари билан музоқара қилинмоқдалар. Шу дамбага биз республика мутахассислар тайёрлаш ҳусусида бир қанча қизқарли ва манфаатли буюртмалар олдик.

Гарчи хорижий талабаларни ўқитиш эвазига олинган валюта тушумлари собиқ СССРнинг ҳуқуқий ортиб бўлсин Россия ҳўкуматининг ихтиёрида қолган бўлса ҳам, Россия Федерацияси бу талабаларнинг келгусидаги таълирига таълим масалани ҳам қилишдан четдан турсангиз ҳусусида таассуф билдирмоқ керак.

Мана шундай шартнома «Останкино» телекомпаниясининг туҳматдан иборат уйдирмалари бизни газобландиради.

Янги ишлар ҳақида лозим демасдан, ҳали орасида ёлгон хабар тарқатинга берилишини номанбул иш деб ҳисоблаймиз. Шу тариха «Останкино» МВНС аҳдлашувларини бузмоқда. Уш аҳдлашувларга биноан МДХ давлатларидаги ишларнинг ахволи ҳақида телекомпания билан ҳодисони хабардор қилиш унинг ишига беш мезон бўлмоғи лозим.

Хўш, «Останкино» телекомпаниясининг бюротмасини ва қай мақсадни кўзлаб бақармоқда деган суволини бериш ўринлидир.

**ДАНТ БАРАПТ ОЛАДИ**

ПОАФЗАЛ ОТИШ МУСОБАҚАСИ

● ЯҚИНДА «Тюменские ведомости» газетаси ўлкада биринчи марта фаройиб муСОбақа ўтказди. Унда иштирокчилар ўз обқларидagi туғли ёки бутинкаларини узоқ масофага оёғида


улоқтиришлари керак эди. Бу муСОбақада тюменлик футболчилар голиб бўлишди. Улар туғилларини 24 метру 40 сантиметр узоқликка отишган. Иккинчи ўрин 17 метр масофага улоқтирган трактор ускуналари заводи ишчисига насиб этди.

МуСОбақа ҳомийси бўлиши «Сибирь» пой-афзал фабрикаси раҳбарияти голибларни биттадан қадаҳ арақ ва бир бақал шампан ҳамда бир муғтдан кишик бутинка билан сийлади.

**ЭНГ КЕКСА КАМПИР**

● ФРАНЦИЯНИНГ Буш-дю-Рон департаментига қарашли Арл шаҳрида яшовчи кампир Жанна





# Дустлик ва Адолат

## Улим жазоси бекор қилинадими?

Мушкул ўзбекистон адолати демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда. Айни вақтда эски тузум тизимларининг барбод бўлиши, бозор муносабатларига ўтиш кўрсаткичлари жамиятда муайян иқтисодий бекорликка сабаб бўлмоқда, жиноятчилик, босқинчилик, талончилик, қасдан одам ўлдириб қайтаришга жазо олмагани, ўқитилган қилмишига жазо олмагани, ўқитилган қилмишига жазо олмагани, ўқитилган қилмишига жазо олмагани...

ган 15 нафар айбдорнинг навбатдаги жиноий иши ўлимга маҳкум этиш билан якунланди. Улимга ҳукм этилганларнинг 43,4 фоизи қора қилмишларини гуруҳларга бириккан ҳолда, қарий ярми эса маст ҳолда амалга оширган. Масалан, Андижон вилоятида И. Мирзеев деган кимса маст ҳолда хотини билан жанжаллашиб, 10 яшар қизининг кўз оладида аёлини болта билан чашиб ташлаган. Қизи сирни фож этишидан қўрққан золим ота уни ҳам ўлдирган. Республика Олий суди вилоят судининг ҳукмини кучида қолдиради.

...ОДДИЙ ОДАМЛАР ҲАММА НАРСАНИ КУРБИ БИЛИБ ТУРИБДИ. НОПОК, НАФСИ ХАРОМ, ҲАММИНИНГ МАНОФААТИНИ УСТУН ҚУЯЕТГАН БАЪЗИ БИР РАҲБАРЛАРНИ ҲАМ КУРЯПТИ.

...АДОЛАТ БУЛМАГАН ЖОЙДА НОРОЗИЛИК, АДОВАТ, ЗИДДИЯТ, ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК ПАЙДО БУЛИШИ МУҚАРРАР.

Ислон КАРИМОВ.



Юртининг тўқинлиги халқнинг фаровонлиги фақат бободоқонларимизга боғлиқ бўлмай қолди. Улар еттиштирган маҳсулотларини учарлар бошқа жумҳуриятларга олиб бериб пуллашга ҳаракат қилмайдилар. Яхшиликни божхона ходимлари уларнинг йўлларига тўсқин қўймоқдалар. Аммо, юртимизга келган меҳмонлар қанча азоблар эвазига олиб келинган қондиллик маҳсулотларини олиб кетишмоқда. Ўнроқ ҳамшиша ҳам уларнинг «операция» лари муваффақиятли якунланмапти. Қонқонга тушган «ишбилармон» лар

Бозор иқтисодиёти бизни ва 300 та момикдан тайёрланган кўрпаларни (намаи 1 миллион 469 минг сўмлик) олиб кетаётганда-да, Аммо, у ўз мақсадида етмади. Ҳўш, иккинчи шахс О. Отабоев ким? У юкни эсон-омон олиб бориб топшириш қариллигини олган ўртадаги далоли. Асли тўрткўллик. Тақдир тақозоси билан Челябинска кўчи кетган. Шу шаҳардаги «Конак» курилиш корхонасининг директори. Топармон-тутармон одам.

Тўрткўлликлар ҳам жон-жон деб истеъмоқ қилганидан ушбу витаминга бой молларни четга оширишда унга қилмайдилар «хотим»лик қилганда? Ҳамма гами олиб кетишлар» деб ўз оғин билан машинага чиқиб олармиди?

«Ўзиндан чиққан баалога қайта борарсан даъвога» деб бекор айтишмаган экан. Минг афсусли моли «Қорақалпоғистон» контракторининг Тўрткўл базасидегилар кўш-қўллаб уз-

қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Толбой Бегжонов қорамолларини ноқонуний равишда республикамиздан олиб чиқиб кетаётганда, Толбойнинг Чимбой бозоридан сотиб олган моллари давлат фойдасига хатланиб, Тахтакуйридаги тегишли ташкилотга топширилади. Кейинги пайтда ушбу республикада жойларда етарлича назорат қилинмаётгани сабабли курилш материалларини талон-тарож қилишга уриниш қоллари ҳам учраб турбди. Айниқса, бу борада қўнғиротликларнинг «киссаси» катта. Шу тумандаги 6-курилш бошқармасидан (бошлиғи Д. Далъжонов) «чундрилган» 69 минг сўмлик курилш материаллари Туркманистонга олиб ўтилатганида ушбаб қолди.

Қўнғиротдаги ҳамма қилш-лоқларни тўла тоза ичилик суви ва газлаштирилган, деб айтолмаймиз. Бу борада ҳали кўп тер туқиш керак. Курилш ташкилотлари турли томонга жер солишда: «Кераклик қурувлар йўқ». Аммо нима сабабдан 2-механизациялашган кўчма колоннадан ҳар хил диаметрли, 49 минг сўмлик, қурувларнинг Туркманистонга «экспорт» қилинганига киши тушун-олмайсан!

Яна бир ҳуқуқбузар туркманистонлик Йўлдош Мизанов ҳам республикамиздан куруқ кетишни ўзинга эп билмабди. Умумий қиймати 56 минг 354 сўмни ташкил этувчи 200 дана шиферни олиб кетаётганда қўлга тушди. Нукус шаҳридаги «Узгропромнинг» МПМК-447 ташкилоти ҳам анойилардан эмас. «КамАЗ-5410» русумли, давлат белгиси 45-20 КПН юк машинасида ҳайдовчи Б. Жанназаров ва шу ташкилот техника ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи К. Тлеғеновлар 74 минг сўмни ташкил қилувчи электр жиҳозларини ноқонуний равишда Туркманистонга элтмоқчи бўлишганда, божхона ходимлари уларнинг йўлини тўсди.

Ленинобод вилоятида Фаолият кўрсатаётган «Фазилат» ширкати номига яраша иш қилмади. Ушбу ширкат Қорақалпоғистондан 11 тонна 537 килограмм молиш ноқонуний равишда олиб кетаётгани (1 миллион сўмга экин) маълум бўлди.

Мамлакатнинг шимолий дарвозаси ҳисобланган Қорақалпоғистонда юқорида айтилган ширкат товар-моддий бойликларини талон-тарож қилиш қоллари тез-тез содир бўлиб турмоқда.

Келтираверсек мисоллар жуда кўп. Халқимиз ризқини қийнатган билан курашганда биргина божхона ходимларининг сазо-ҳаракатлари камлик қилмади. Олғирлар билан ҳамма-миз бир ёқдан бош чиқариб курашишимиз керак.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Республика Давлат божхона қўмитаси Матбуот маркази ходими.

## «Раҳмдил» гуруҳ

Олтириқ туманида яна бир уюшган жиноятчилар гуруҳининг қилмишлари фож бўлди. Бу гуруҳ доимий равишда талончилик билан шуғулланиб келган. Улар ном чиқарган спортчи Анвар бошчилигида туман ҳудудига яшовчи фуқароларни қўриқтириб кўн қўрган. Жумладан, Х. Исмли жиноятчи уяига бостириб кириб, ундан 100 минг сўм пул талаб қилишди. Пул сўрилмагач, ўч олиш мақсадида уни кечаси

уйидан олиб чиқиб кетиб, калтаклаб хўрлашади ва қаердан бўлса-да, пул топиб беришни «сўрашди. Талаб бажарилмаса, ўлдириб кетишларини айтиб, қўйиб юборишади. Лекин оддий маошга яшайдиган одам бунча пулни қаердан топсин? Уни яна калтаклаб кам даромадли эканини «билиб, «раҳм» қилишди. Солиқ микдори 20 минг сўмга тушади. Унга чораси қолмаган жабранлувчи қў-

ғирок қилиб, ҳуқуқ-тартибот органларини воқеадан воқиф этади. Жиноятчилар гуруҳи белгиланган жойдан боғли пулни олаётганларида қўлга тушдилар. Маълум бўлишича, бу гуруҳ тўй қилаётган фуқароларни ҳам қўриқтиб, «тўй тинч ўтишини истасан, 10—15 минг сўм солиқ берсан», деб пул йиғар экан. Мана энди улар қонун олдида жавоб беришди.

Р. КАМОЛОВ, УЗА мухбири.

## Қондани унутган ЕҲУД ДАВЛАТ КАССАСИГА 8 МИНГ СЎМ ТЎЛАГАН ҲАЙДОВЧИ

Сир эмаски, жаҳоннинг ҳар бир давлатида турли қонун-қондалар мавжуд. Биз фуқаролар эса ана шу қонун-қондаларга итоат қилиб иш тутганимиздагина ўзимиз ва килларидир тинч ҳаётимизни бузмаган бўламиз. Давлат белгиси 92—72 ТНА «Волга» машинаси ҳайдовчиси бўлмиш Акмал Анварович Екубонов ҳайдовчиликка ўқитилганда унинг ўқитувчилари: «Сен машина бекорлиб кетаётганинга қандайдир фалокат рўй беради, бу ҳақда орган ходимларига зудлик билан хабар қилиши шарт. Қўрсатилган қондага асосан, хабар қилмаганин унда айбдор ҳисоблансан» дейишган эди. Аммо...

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН... ҚАЧОНГАЧА?

си директори П. Султоновдан қалбаки ҳужжатлар билан 102 қоп 1-навли уни 120 минг сўмга сотиб олиб, уни Қўнғирот республикаси сирга олиб, «Ишбилармон»нинг устидан УЗРЖМ 15—175 моддалари 2-банди асосида жиноят «иши» қўзғатилди.

«Узпишперотранс» корхонасининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳар Ҳамаза туманидаги Шоҳсанам кўчаси, 48-уйда яшовчи Сайфуддин Ражабов, Абдурахмон Маликов, Фахриддин Хантов жиноий тил бириктириб, Тошкент ёғ-мўй корхонасидан 12-оқиб-оқиб дўконига юбориниш керак бўлган 6 тонна маргарин ёғини қиммат нархда сотмоқчи бўлганида қўлга олинди. Уларга нисбатан УЗРЖМ 17-моддаси 3-банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Бирон ташкилотга ўз ишини битирмоқ учун борсангиз албатта, овозағачликлар бўлиши табиий. Кимдир сиз-

Жамиятимиздаги томир отган йиллардан бири порохўрликдир. Баъзан бундай ифросликлар кўз олдимизда юз берса-да, томошбин бўлиб тураман. Одамларнинг лоқайдликларидан порохўрлар усталик билан фойдаланадилар. Айрим кишилар порохўрларни фож қилишдан кўра ишнинг тезроқ битиришга ҳаракат қиладилар. Мана шу йиллар туфайли жамиятимизда порохўрлик индиз отмоқда. Баъзанлар ички ишлар органларига ўз вақтида порохўрлар ҳақида хабар бермай, катта пулларга қуйиб қолмоқда. Ошиғи олчи порохўрлар ўз ишларини энг ичида битириб, роҳат-фароғатда яшамоқдалар.

Нафс балоғига учраганлар пул топиш учун ҳар қандай ифросликка қўл урпатдилар. Етимлар, ҳатто гулдакларнинг ҳақларидан ҳам ҳазар қилмайдилар. Аммо улар бировларнинг ҳақини ейиш, ҳаром эканини билиб туриб, ўз нафсларини тия олмайдилар. Қўлга тушганда сўнг эса «менинг нафсим балоидир ёнар ўтга соладур» деб пушаймон қилмоқдалар. Ҳалқимизда аjoyиб бир гап бор: «Сўнги пушаймон, ўзингга душман» деган.

Х. ОРТИҚОВ, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ходими.

гина Қорақалпоғистон Республикаси божқармаси мисолида кукурсак, бунга ўзингиз амин бўласиз.

3 февраль кuni Тўрткўл шаҳридаги «Гранит» ширкати (номини қаранг, ўзбекчиси қуриб қолганда) қарашли «КамАЗ-5320» русумли, давлат белгиси 92—75 КПМ юк машинаси ҳайдовчиси А. Фахриддиновнинг божхона ходимлари тўхташишганда тили калмига келмай қолди. Ахир айби бўлганда кейин оёғи қалтирайдиган. У қарашли «КамАЗ-5511» русумли, шериғи О. Отабоев билан бирга тегишли рухсатномасиз Челябинск шаҳридаги «Карат» фирмасига 8784 банка олхўри пореси, 6804 банка олма пореси, 504 та пластмассадан ишланган бўш қўти, 200 та пахта

тишган. Ноқонуний равишда республикадан олиб чиқиб кетилётган моллар мусодара қилиниб, О. Отаева 17 минг 500 сўм жарима солинди. Шунинг холос, дерсиз. Йўқ. Тўрткўл тумани ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда ушбу иш юзасидан текширув ишлари олиб боришмоқда.

«Нукус—Учкудук» йўлида шитоб билан кетаётган Чордара шаҳридаги (Қозғистон Республикасида) автокорхонага қарашли «КамАЗ-5511» русумли, давлат белгиси 71—93 ЧМТ автотуловиди 8 та сигир, 8 та бузоғи билан ўзга элларга «бадарга» қилинаётган экан. Пахтаорол туманидаги «Пахтаорол» давлат ҳўжалигида истикомат

## СЎТЧИКНИ ҲАМ ҲАМАРИШДИ

Ўғри учун ўғирликнинг катта-кичичи бўлмади. Қорни тўйса, тирикчиликни ўғир турса бўлди. Андрей Казанцев ўғирларнинг юқорида биз ҳисоблаганларидан. У Мировоб ноҳия ҳудудидagi 163-аҳоли йшайдиған қўп давлатни уйни йўлагида ўратилган электр сўчтиқидан бир йўла иккитасини «тинчтиди». Андрей сўчтиқчилари Парент бозорида сотаётганда қўлга олинди. Янгида Тошкент шаҳар Мировоб ноҳия халқ суди А. Казанцевнинг жиноят ишини қўриб чиқди. У қилмишига яраша жазо олди.

М. ҲАКИМОВ.

## Рельс ўғриси

Қандоқ фабрикасида ишловчилар конфет, тамакки фабрикасидаги тар сигарета, колхозчилар қилшқ ўғирлик маҳсулотлари ҳўжалигини кўп оштанган. Бироқ темирйўлчилар темирйўл рельсини ўғирлаганларини биринчи бор айтишимиз. Ишонверинг шунақаси ҳам бўларкан.

Қарши шаҳридаги темир йўл соловчиларининг устаси шу йил 31 январь кuni ўз ҳудудидagi пулат наларни назорат қилаётган, эҳтиёт қисм сифатида сақланаётган пулат налардан бир бўлган — 12 метри йл (давлат нарҳида 12 минг 500 турад) ўз ўрнида йўқлигини билиб қолди. Ишонимки бу темир йўл бекатида транспорт миляцияси бўлими бор. Милцияди ходимларининг ҳаракатлари билан ўғри шу ернинг ўзидан — Қашқадар темир йўл соловчиларининг йўл соловчиларидан бири Нигмат Ражабов эканлиги аниқланди. Рельс ўз жойига қайтарилди.

М. МАХМУДОВ.

НАВОИИ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН 25 НАФАР ЖИНОЯТЧИ ШАХСЛАРНИНГ ИШИ ҚАЗИДИ. Натижада, улардан кўп миқдорда гиёванд моддалар, 200 шпца қалбаки ароқ, 70 литр техник спирт, ароқ тайёрлаш учун ишлатиладиган мосламалар, ҳар бир 20 килограммдан бўлган 17 кўти маргарин, 6 тонна шаккар, ўта ноёб бўлган 160 қўи дойирлар тортиб олинди. Зарафшон шаҳрида истиқомат қилувчи, муаффиқ сўзланган Т. Раҳимов 300 минг сўмлик соларқани ўмариб кетганлиги ҳам соларқани ўмариб кетганлиги устида бўлди ва у жиноят ҳақида ушланди. Шу ерда 7-автомобил ишчиси Қосимов ҳам корхонага тегишли бўлган 7000 литр ёнғил иши сотаётганда қўлга олинди. Решетов ва Танташев деган шахслар эса 300 минг сўмлик мармар

Республикамиз ички ишлар ходимлари томонидан жиноятчиликка қарши олиб борилаётган кураш кун сайин авж олдирилмоқда. Айниқса уюшган жиноий гуруҳлар нўтасидидаги эйбн етказиётган қўллаб текширувлар қўлга олинмоқда, жиноий жавабгарликка тортилмоқда.

Факатгина кунга 111 та жиноят аниқланди, ушбу содир этган 121 киши устидан жиноий иш қўзғатилди. Бундан ташқари муқаддам содир этилиб, оқийма қолган 11 та жиноят ҳам фож этилди. Суд ва терговдан қочиб юрган 20 нафар жиноятчилар халбета олинди.

## РЎКЕТЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

ларидан ўзлари ва бошқа жиноятчилар манфаатига сарфлашган. Жиноятчилар орасида ном чиқарган «Хизмат» ширкатиинг раиси А. Ҳакимбоев ва унинг ҳавтовоқлари унда гинтув ўтказилди. Натижада, ҳаром йўллар билан топишган 119 минг 187 сўм пул, ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказилмаган «Мерседес—Бенц» маркали автомашина, 3 та жанговар граната, 7 килограмм гиёванд модда, 5 минг қўти сигарета, 1400 килограмм шаккар, 5 тонна ун, 350 шпца спиртли ичимликлар, 80 килограмм ҳинд чойи, 2 миллион 500 минг сўмлик автомашиналарнинг эҳтиёт қисмлари, қўллаб гиллавлар, 500 минг сўмликдан ортиқ зарғарлик буюмлари, ГАЗ—24 автомашинаси ва ҳар хил рақами давлат рақам белгилари, 400 минг

чет элда ишланган га тўпючаси, қўллаб ўқ-дорилар, катта миқдорда бошқа хил қимматбаҳо буюмлар олинди.

СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ, ПРОКУРАТУРАСИ, ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИМАТИ ХОДИМЛАРИ ҲАМ ХАВФИ ТЎДА ЙЎЛГА ҲАМ СОЛДИЛАР. Ҳўбсга олинган бу кимсалар ҳам ашаддий жиноятчилар туридан экан. Халқ нарфатига учраган ушбу кимсаларнинг босиб ўтган йўли ҳам ҳўнрда «сарҳисоб» қилинмоқда. Бир нечаниинг ўзиди қўрилдан 16 та жанговар ўқтар қўроллар, 2 миңдан зиёд ўқлар,

Шажрасаба шаҳрида яшовчи отабода Алимовлар ҳам ҳўнрғи таққилин вақтида иқтисодиётимизнинг бир учини кўтармоқчи бўлишган қўриқиди. Ҳўзини ишбилармонлардек ҳис этган бу казобларнинг нафси ҳақалак отиб жигдиларни ўлқон бўлиб кетган экан. Унда яширин ҳис оғтан Алимовлардан ҳам бошқаларда сақланаётган 9740 литр вино топилади. Бундан ташқари яна сотиш учун тайёрлаб қўйилган 2693 шпца вино, 220 шпца ароқ, 30 та шпцада коньяк, 216 шпцада эса чет элда тайёрланган спирт, 320 шпцада уксус эссенцияси олинди. Бу кимсаларнинг яна бошқа «ҳўнар»лари ҳам бор экан. Емоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидай уларнинг ундаги битта кичик калибри ва ички ишлар бўлиминдан рўйхатдан ўтказилмаган иккита оғ митинги, ислама тўпюча, 2,5 килограмм нашла, 302 грамм кўнорни тортиб олинди. Иқсаси, Алимовлар хонадонидagi жаъми 5 миллион 308 минг 725 сўмлик буюмлар ашвей дилил сифатида тортиб олинди.

Н. МИНАВВАРОВ, Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази бошлиғи.

Шу йил февраль ойининг сўнгги кунлари Ўзбекистоннинг тўнғич мумуҳурани Яўдлош Охунбобоев вафот этганига элик йил бўлади. Эл ҳўрматини қўзонган бу сиймо республикамиз санъати равангига ҳам доимо ғамхўрлик қилар эди. Шу бонс, кекас алоҳида мансўб санъаткорлар у кишининг чекизи ҳўрмат ва офитор билан эспайди. Уза мўхбири Б. Мансўров устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Г. Раҳимова ҳўзўрида бўлиб, ота ҳақиндаги хотираларидан сўзлаб беришини илтимос қилди.

— Болалигимданок Яўдлош отанинг муруватидан баҳраманд бўлганман. Ун ёшлик чоғида отанин босмачилар отиб кетди. Онэм терламага дучор бўлиб, касалхонага тушди. Замон нотинч бўлганидан опаларин — Амалия ва Тамара Тошкентдан тоғаларникига жўнатиб юборилган, уйда «каттаси» ўзим. Очарчилик бошланган. Шукрки, умрингдан барака толгур кўнишчилар бир бурда нон, бир ҳонандоз кўрни биздан дариг тутмадилар.

Марғилонда эл отаси номини олган Яўдлош Охунбобоев оғир шартитимиздан хабардор бўлган, мени уч синглим билан шаҳардаги Топшўлат минг-бошининг ҳовлисида очилган етимхонага жойлаб қўйди. Бу ғамхўрлик бўлмаганида, худо билади, тақдиримиз нима кечарди? Қайси кўча, қайси бурчакларда серсон-сарғардон бўлиб юрар эдик!

Етимхонада ҳавсворлик тўраги бор эди. Дарсдан кейин кўшиқ айтиш, рақса тушишини машқ қилардик. Раҳбаримиз уста Олим Комиллов доира ва дутор чалишин, ғазал маъносини ўқийшини ўргатар эди. Биз

Яўдлош ота республикадаги кўп умумхалқ кўриликларига бошчилик қилар ва уларнинг бирортаси санъаткорларсиз ўтмас эди. У киши халқнинг руҳини санъатсиз, кўй-кўшиқсиз кўтариб бўлмайди, деб уқтирардилар.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги «Дуторчи қизлар» ансамбли бугун ҳаммага таниш. Унга ким асос солганини биласизми?

1938 йили доирачи Маждид Нурмухамедов иккимизни Москвага, бир концертга таклиф эттишди. Гримхонда ўтир-



Хотира

кетаётган жойлардан келтирилган корхоналарни тиклаш, кўчиб келганларни иш, турар-жой билан таъминлаш, фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериш лозим бўлиб, республика оқсоқоли учун иш ҳам, ташвиш ҳам етарли эди. Лекин шундай пайтда ҳам санъатга эътибор сусаймади. Пул топиб, ҳамза театри артистлари Москвада ўқитилди. Муқимий театри учун кадрлар тайёрлашга аҳамият берилди. Фронтга ўзбек санъаткорларини юбориш таклифи ҳам отадан чиққан эди.

Яўдлош Охунбобоев санъатни юксак қадрлайдиган, мақом йўлларида хабардор, Навоидан тортиб, Хазинию Муқимий газалларидан ёд биладиган, кўп ажойиб, бир жаҳон инсон эдилар.

«Бир жаҳон инсон эди»

театрга ўтдик. Бу орада Самарқанда ўзбек давлат ансамбли тузилди. Мен ана шу янги жамоада фаолият кўрсата бошладим. Яўдлош ота бу вақтда жумхўррасликка сайланди. Жамоамизнинг дастлабки концерти ҳамон кўз ўнгимда. Унда партия ва ҳукумат раҳбарлари — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва ота қатнашган, мен «Уфори сахта» якка рақсини, қизлар билан эса «Катта гул ўйинини» ижро этган эдик. Томоша тугаган, ота артистлар хонасига кириб, миннатдорчилик билдирилди.

сам, навбатчи аёл келиб «Сизни сўрашяпти», деб қолди. Йўлакка чиқсам, Охунбобоевнинг қизи Хайрихон турибди. Бегона жойда юртдошин билан учрашини қандай бўлишини яхши биласиз. Кўчқолашиб кетдик.

— Қандай шамол учирди! — дедим уни бағридан қўйиб юбормай.

— Дадам, онам шу ерда — курортдами. Эълонини ўқиб дадам юрнглар, Гаҳарисонни кўрамиз, деб олиб келдик.

Концертда миллий кийим

РАМАЗОН ОИИ мусулмонлар ҳаётининг ҳамма қатламларига чуқур кириб борган. Рамазон ойининг учинчи кунда ўнб болалар уйма-ўй юриб, «Майрамазон» айтишни Мовароуннаҳр мусулмонлари ҳаётида анъанлага айланган. Майрамазон кўшиқлари халқимиз тафаккур хазинаси дурдоналаридан саналади. Бу кўшиқларни асосан болалар ижро этишади. «Майрамазон», «Ерамазон», «Рабиман», «Рамазон» номи билан аталувчи кўшиқлар Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларида муайян ўша жойнинг маҳалли шариотидан, маданий савиясидан келиб чиқиб айтилган. Афсуски, бу кўшиқлар ҳозиргача тўлиқ ёзиб олинмаган ва тадқиқ қилинмаган. Майрамазон кўшиқларида инсоф ва адолат, эзгулик, хайр-саховат, меҳроқибат, инсонсеварлик тараннум этилади.

Болалар эшикма-эшик юришиб, Майрамазон айтганда хонадон соҳиблари рўзанинг савоби учун баҳоли қудрат атаган нараси — тапта, қоғоз пул, қанд курс, майиз-ёнғор чиқариб берадилар. Болалар бу хайр-саховатли кишилар шаънига, хонадон шайнига ажойиб сўзалар айтиб, бошқа ҳовлига ўтиб кетишади. Атар хонадон соҳиб кўрунсоқлик қилса, бирон нарса бермаса ё эшикни очинмаса, болалар бу хонадонга ҳазил-мутойна кўшиқлар тўқиб ўй эгасини калака қилишади.

Майрамазон жўр бўлиб ё янқахон ижрочи томонидан қуйланади. Еки кўшиқнинг баъзи мисралари янқахон қуйланса, қолганлари охириги мисраларга жўр бўлади. Майрамазоннинг бошланғич ҳаммаша хонадон соҳибларига мурожаат рўҳида бўлади.

Ассалому алайкум! Этан кишини, Таптрининг раҳматига ботган кишини. Рўзани уч кун тутиб келдик сизга, Рўзанинг закотини беринг бизга. Берсангиз, бермасангиз не ғамим бор, Майрамазон айтганинг савоби бор. Рабиман ё рабиман, Майрамазон!

Рўзанинг қутлуғ бўлсин, Майрамазон! Майрамазон айтгучилар хонадон соҳибларининг ордуниятларини билганлари учун уларга энг яхши тилаклар ҳам ижор қилишади.

Майрамазон айтиб келдик элимизнига, Худойини уғил берсин бенимизнига. Обтобруйга қараган уйинида бўкча кўп, Пешонаси ялтараган эринида оқча кўп. Бўкча титиб келин олинг ошанон, Оқча сарфлаб тўйлар қилинг ажанон. Қўтон тўла кўй-қўзингиз матрашад, Орау-ҳавас фақат сизга ярашади.

Рабиман, ё рабиман, Майрамазон, Рўзанинг қутлуғ бўлсин, Майрамазон! Майрамазон кўшиқларида тарихий ривоятлар, пайғамбарларнинг исми-шарифлари улар бошидан ўтказган муҳим воқеалар ҳам ўйига соқ ифодаланади. Бунда воқеаларни кўшиқ қилиб айтиш орқали хонадон соҳиблари қалбида эзу тугуллар уйғотиш назарда тутилади.

Екуб пайғамбар ҳаммага сардор эди, Пайғамбарнинг ўн бир ўғли бор эди. Ун бирдан шоҳ Юсуф гулзор эди.

Уғай ўн акаси Юсуфдан беазор эди. Шоҳ Юсуфни овга олиб чиқдилар.

Жарга ташлаб: «Бўри еди», — дедилар. Онаси йнглаб чиқди жар бошига, Чашмалар равон бўлди кўз ёшига. Рабиман, ё рабиман, Рўзанинг қутлуғ бўлсин, Майрамазон!

Бу мисралардан хонадон соҳибининг кўнгли эриб, Майрамазон айтгучиларга хайри-эҳсон — туҳфа атаса, у киши шундай алқанган: Давлатингиз тоғдай бўлсин, Қўшлар учиб ўтмасин, Чалқиб ётган кўлдай бўлсин, Душман ҳатлаб ўтмасин. Кўй-қўзингиз диққотлаб, Тоғу тошга сизмасин.

Халқ удумлари МАЙРАМАЗОН

Ичнда бир опан бор ошпоқчида, Ерда қолмас Сулув опан айтган сўзн, Белбоғ тиксан ўян билан сулув қизн.

Опанон белбоғ беринг белқизига, Мақтаб-мақтаб кетайлик элимизга. Рабиман, ё рабиман, Майрамазон, Рўзанинг қутлуғ бўлсин, Майрамазон!

Майрамазон айтгучилар хонадон соҳибларининг ордуниятларини билганлари учун уларга энг яхши тилаклар ҳам ижор қилишади.

Майрамазон айтиб келдик элимизнига, Худойини уғил берсин бенимизнига. Обтобруйга қараган уйинида бўкча кўп, Пешонаси ялтараган эринида оқча кўп. Бўкча титиб келин олинг ошанон, Оқча сарфлаб тўйлар қилинг ажанон. Қўтон тўла кўй-қўзингиз матрашад, Орау-ҳавас фақат сизга ярашади.

Рабиман, ё рабиман, Майрамазон, Рўзанинг қутлуғ бўлсин, Майрамазон! Майрамазон кўшиқларида тарихий ривоятлар, пайғамбарларнинг исми-шарифлари улар бошидан ўтказган муҳим воқеалар ҳам ўйига соқ ифодаланади. Бунда воқеаларни кўшиқ қилиб айтиш орқали хонадон соҳиблари қалбида эзу тугуллар уйғотиш назарда тутилади.


Екуб пайғамбар ҳаммага сардор эди, Пайғамбарнинг ўн бир ўғли бор эди. Ун бирдан шоҳ Юсуф гулзор эди.

Гуноларнинг дунолаб, Дўн адирага сизмасин. Боп-бошинга, бошинга Барака берсин ошинга, Боп-бошинга, бошинга Еш қўшласин биниға. Худо берган давлатинг Темқиласа кетмасин, Синглиғна саватининг Силқиласа сизмасин. Хўрли бўлинг, Хўрли бўлинг, Хўрли бўлинг, Хўрли бўлинг.

Келасин йил шу маҳал, Кўш юксилди угли бўлинг, Омин, Аллоху акбар! Ўзбекистонда шўролар мафкуриси ҳўкморон бўлган йилларда Майрамазон кўшиқлари ҳақида тадқиқотлар олиб бориш таъқиқланмаган бўлса-да, Рамазон ойларида шаҳар ва қишлоқларда у ё бу тарзда бу кўшиқлар айтиб юрилган. Масалан, қорқориди шеърини сартлар хотирамда тикланган бўлиб, уларни биз 60-йилларнинг бошларида Қашқадарё вилоятининг Янқабот туманидан Навоий номили жамоа ҳўжалгининг Узуи, Қўшнингиз. Қўлтепа қишлоқларида Рамазон ойларида хонадонма-хонадон юриб айтар эдик. Одамлар бизларни хушнуд кўтиб олар, бирон хайр-эҳсон берад эди. Фақат Майрамазон айтгучилар «таркиби уларнинг» (раҳбарларни бизда шундай аташар эди) муаллимларимизнинг уларига бормас эдик.

Машойихлар элимизнинг етти пушти шоир ўтди, деб нақл қилдилар. Дарҳақиқат, халқимиз қалби шеърини оханларга тўла. Бизнингча, Майрамазон кўшиқлари элимизнинг ҳар бир қишлоғида, маҳалласида ҳозиргача айтиб келинади.

Ғуломжон ҒАБУРОВ, филология фанлари номзои.



КЕЧА БУТУН дунё мусулмонлари Рамазон ойининг учинчи кунини ўқидилар.


Ҳозирги кўнда дунёда 1 миллиард 200 миллион мусулмон бор. Уларнинг асосий қисми шу кўналарда мусулмончилик фаридадан бири — рўзани адо этишмоқда.

Кейинги пайтда дунёнинг кўпгина таниқли кишилари ҳам ислом динини қабул қилишмоқда. Улар орасида Жак Иа Кусто, Роже Гароди сингари буюк олимлар, Морж Бекар, Кет Ственс, Нил Армистронг, Майкл Жексондай машҳур санъаткорлар, Мартин Лакс каби донторлар бор.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон ўтган ҳафтада федерал бюджетнинг жуда катта қисмига қисқартириш тавсияларини мажбурий аълои қилган эди. Шунга мувофиқ «Озодлик» ва «Эркин Оврүпо» радиостанциялари ёпиб қўйилди.

«Совуқ уруш» даврининг жарчилари бўлиш мажбур радиостанцияларнинг бюджети 207 миллион долларни таъсил этар эди, АҚШ маъмурияти бунинг ўрнига Хитойга ва Осиёдаги бошқа давлатларга янгличиларни хабар қилувчи «Эркин Осиё» ҳукумат радиостанциясини очиб, унга 30 миллион доллар аяратини рақалаштирмоқда.

ЖЕЛСИНКИ Г АРАСМИН таширф буюрган Руслан Хасбулатов бошчилигидаги Россия парламент делегацияси кеча Хитойнинг ёлғорлик қабристонини зиёрат қилди. Филлядиянинг қўлгина таъини снбсат ва жамоат арбоблари шу ерда дафи этилган. 1899-1940 ва 1941-1944 йилларда Совет Иттифоқига қарши урушда ҳалок бўлган фин аскарлари ва аюбитларнинг мозорлари ҳам шу ерда. Россия парламентининг раиси қабристонга гул-чарлар қўйди. Сўнгра Президент саройида Филлядия Республикасининг Президентини Муано Коинсого билан учрашув бўлиб ўтди, иккинчи томонлама ҳанқорликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш муалласи ижор этилди.



«ОФИЗДА «ШОХ, МОТИ» ДЕЯИШ ОСОН, ЛЕКИН...» Мухаммад АМИН суратэтиоди.

Янги отчопар

Наманган шаҳридаги «Совет» микрорайонида турли халқ сайллари, томоша ва байрамларини ўтказишга мўлжалланган янги отчопар қуриб фойдаланишга топширилди.

Якшанба кўни бу ерда отчопарнинг очилишига бағишлаб ўтказилган Йигилиш вилот қишлоқ хўжалик меҳнатқашлари ҳосил байрами тантаналарига уланиб кетди.

Ўтган ҳўжалик йили наманганликлар учун баракали йил бўлди. Барча соҳадаги режалар ортғи билан бажарилди. Байрам тантаналарида қўшни вилотлар ва қардош Тожикистон, Қирғизистон меҳнатқашлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

(Уа мухбиримиз).

Газета саҳифаланаётганда:

«ТАЖРИБА» ОРТИРМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ ГИЖДУВОНГА КЕЛИНГ

Фарзандингиз воьга етиб, ҳарбий хизматга қақриллаётган бўлса, асло ташвиш чекманг. Уни олиб қолиш «Йўли» бор. «Тажриба» ортирмоқчи бўлсангиз, Гиждувонга келинг.

Туман умумий ошқатлашиш корхонаси ошпази Ш. Раҳимов яқин аъзолари касал деган баҳона билан марказий касалхонага ётирилди ва сохта ҳўжатлар асосида ҳарбий хизматдан қонунга қилоф равишда қолдирилди. Албатта, бу ерда «меҳрибон» ота — туман маълүбот жамияти ошбор мудир Х. Раҳимовнинг елиб-югуришлари, марказий касалхона ҳанқимлари-ю, мудоффа бўлмидаги ўртоқларнинг қўнглини «олгани»ни айтмай қўлоқлайлик. Бировни акам, бировни укам деди, анча ташвиш чекди, лекин ниятига етди — ўғли «ҳарбий хизматга яроқсиз» чинди. «Гулистон» жамоа ҳўжалиги ҳосилоти С. Хожобоев эса овора бўлиб, ҳанқимлар, ҳарбийларга ялиниб юрмади, балки шу ҳўжалик раҳбарлари билан келишиб, ўғли Хайруллога «чўпон бўлиб ишламоқда», деган қалбани ҳўжат тўғрилади.

Н. САФАРОВ, УаА мухбири.

ФУТБОЛ ОЛАМИ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Агар фил турган қафасга ҳўнз деб ёзиб қўйишса — кўларингга ипном!» Бу ибора ҳамдўстлик чемпионлари турнирида қатнашган Паневексининг «Экранас» жамоаси таркиби билан танишишда беихтиёр ёдга тушади. Литва давлати шарофиди ҳимоя қилган «Экранас» сафида нафақат паневексинлик футболчилар, балки «Жальериус», «Электронас», «Сириус», «Панерис» жамоаси ярим ҳўмоясини Омагри Тетрадзе яна жароҳатланди. Бироқ бу галги жароҳат уни футбол майдонида эмас... меҳмонхонада «кутиб турган» экан.

«Москва» меҳмонхонасига кечин овқат учун бирор нарса харид қилиш мақсадида таширф буюрган Омарининг кийими тартиб сандовчиларга хуш ёқмади. Улар спорт кийимиди ҳаридорга яқинлашиб, ҳе йўқ-бе йўқ чўнтақларини гинта бошлашди. Кичкинагина пичоқчани топиб олганларидан сўнг эса кўлларига тамомила эрк берди. Довдираб қолган футболчиға ҳўжатларини кўрсатиш учун имон берилмагани етмагандай, бўлиб ўтган «ҳодиса» хусусида протокол тузиб ўтришда ҳам лозим топилмади. Фақат жамоа устози Валерий Газавзининг аралашувидан кейингина миллионнинг 17 бўлини ҳодимлари расман уэр сўрашди. Кечирим сўрашга сўрашди-ку, бироқ саломатлигини қайтариб бўлармиди... «Динамо» футбол клуби бош директори — Анатолий Воробьевнинг айтишича, бу ишни Москва шаҳар прокуратураси тафтиш қилмоқда.

Испания футбол федерацияси «Барселона» билан

«Атлетико» (Мадрид) жамоалари ўртасидаги учрашувда қўполлик қилгани учун майдондан ҳайдаб чиқарилган уч спортчи наватдаги тур ўйинларини ўтказиб юборишини маълум қилди. Айбдорлардан бири — «Барселона»нинг машҳур ҳўмоясини Рональд Куманга берилган жазо яна ҳам оғирроқ бўлиши мумкин. Агар учрашув ҳанами Пайрес Пас Куман майдонни тарк этатиб уни «Фохиданнинг ўғлиси» деб ҳарорат қилганини расман тасдиқласа, «маҳмадана» футболчи яна уч учрашувини ўтказиб юборишга мажбур бўлади.


Россия биринчилигининг

«Атлетико» (Мадрид) жамоалари ўртасидаги учрашувда қўполлик қилгани учун майдондан ҳайдаб чиқарилган уч спортчи наватдаги тур ўйинларини ўтказиб юборишини маълум қилди. Айбдорлардан бири — «Барселона»нинг машҳур ҳўмоясини Рональд Куманга берилган жазо яна ҳам оғирроқ бўлиши мумкин. Агар учрашув ҳанами Пайрес Пас Куман майдонни тарк этатиб уни «Фохиданнинг ўғлиси» деб ҳарорат қилганини расман тасдиқласа, «маҳмадана» футболчи яна уч учрашувини ўтказиб юборишга мажбур бўлади.

Испания футбол федерацияси «Барселона» билан

Келгуси сонда:

- САҲРОДА Г И ОТИШМА.
- ИСЛОМ АҲМЕДОВ: «ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШ-МАЙМАНИ!»
- ОЛАБУҚАЛИКЛАР УЧРАШУВИ



ШУ ЙИЛНИНГ 8 февралдан бошлаб Туркиянинг Чоржўй шаҳри бутун худудиде ва Жайхўн посёлкасида листо сотиш маъъи этилди.

Писта чарқанларга ва уни сотишга йўл қўйган мансабдор шахсларга илсбатан шаълурий жазо белгиланади, дейилади шаҳар ҳўкомиси Э. Очлов илзо чеккан қарорда.

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ таслифига биноан Санкт-Петербурғ ҳўкомиси Анатолий Собчак кеча Токюга келди. У Японияда бир ҳафта бўлиб, парламент раҳбарлари билан ҳамда атамлакат ҳукумат ва ҳўкўрон партиясини ташиқли арбоблари, шу жумладан, ташиқ ишлар вазири ваифасини ижро этувчи Иохё Коно билан учрашади.

Бош мухбир: Жаббор РАЗЗОҚОВ  
Тахрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АХМЕДОВ (бош мухбир ўринбосари), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЕЗОВ, К.РАХИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), Қ.ЭШИМАТОВ.

Тавсис этилчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЕШААР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ва «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ  
газета 1925 йил 8 февралдан «Еш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ:  
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар снбсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисода, кишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700002, Ташкент, Ленинград кўчаси, 32-ўй.  
Нашр кўрсаткичи: 64607  
Газетамиз ҳафтаниннг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.  
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмади ва таҳлил этилмади.